

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАЖМИДДИНОВ МУҲАММАДЖОН ҒАЙРАТЖОН ЎҒЛИ

ЎЗБЕКЧА-ИНГЛИЗЧА-РУСЧА ЛИНГВИСТИК АТАМАЛАРНИНГ
ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОРМАСИНИ ЯРАТИШНИНГ
ЛИНГВИСТИК АСОСЛАРИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

УЎК: 811.512.133.93
811.111.93
811.161.1.93

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Contents of dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD) in
philological sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

Нажмиддинов Мухаммаджон Гайратжон ўгли Ўзбекча-инглизча-русча лингвистик атамаларнинг электрон платформасини яратишнинг лингвистик асослари	3
Najmiddinov Muhammadjon Gayratjon ugli Linguistic bases of creation of the electronic platform of Uzbek-English-Russian linguistic terms	27
Нажмиддинов Мухаммаджон Гайратжон угли Лингвистические основы создания электронной платформы узбекских, английских и русских лингвистических терминов.....	49
Эълон қилинган ишлар рўйхати List of published works Список опубликованных работ.....	54

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАЖМИДДИНОВ МУҲАММАДЖОН ҒАЙРАТЖОН ЎҒЛИ

ЎЗБЕКЧА-ИНГЛИЗЧА-РУСЧА ЛИНГВИСТИК АТАМАЛАРНИНГ
ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОРМАСИНИ ЯРАТИШНИНГ
ЛИНГВИСТИК АСОСЛАРИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик
ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhD/Fil2585 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Андижон давлат университети веб-саҳифасининг www.adu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyo.net) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рустамов Дилшодбек Абдувахидович
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Мирзахидова Муяссар Инамжановна
филология фанлари доктори, профессор

Эгамназарова Дурдона Шухратиллаевна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори
Наманган давлат университети

Етакчи ташкилот:

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Андижон шаҳар, Бобур шоҳ кўчаси, 5-уй. Тел: 0(374) 223-88-14; факс: 0(374) 223-88-30; e-mail: agsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100 Андижон шаҳар, Бобур шоҳ кўчаси, 5-уй. Тел: 0 (374) 223-88-14.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Х.Шаҳобитдинова

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
раиси, ф.ф.д., профессор

Ф.Ф. Усманов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, ф.ф.д.

М.Э.Умарходжаев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон терминографияси ҳамда лексикографиясида лингвистик атамалар, бир тилли ва кўп тилли луғатларни тузишнинг назарий асосларини тадқиқ этиш, терминологик луғатлар тузиш самарали давом этмоқда. XXI асрда соҳавий терминография ҳам жадал ривожланди: турли соҳага оид бир тилли, кўп тилли терминологик луғатлар нашр этилди. Электрон луғат тузиш тажрибасининг кенгайиши турли соҳага оид терминларнинг сайт/мобил илова кўринишидаги электрон луғатларнинг ишлаб чиқилишини тезлаштирди. Чунончи, тезаурус, электрон луғатлардан фойдаланиш имконияти кенгайиб, электрон терминологик луғатлар яратишнинг илмий-назарий асослари яратилди, амалиётда қўллана бошланди, соҳасига кўра фарқ қилувчи кўплаб турлари пайдо бўлди. Бу янгиланишлар ахборот технологияларини тилшуносликка татбиқ этиш билан боғлиқ истиқболли илмий йўналишларга амалий эҳтиёжни юзага келтирмоқда.

Дунё тилшунослигида XXI асрга келиб компьютер лексикографияси муаммоларини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш ҳаракати кучайди. Жадал ривожланаётган компьютер лингвистикасида машина таржимаси, тезаурус, онлайн луғат тузиш масалалари долзарб муаммога айланди. Шунинг баробарида, тилшунослик терминлари луғатларининг турли нашрлари амалга оширилди. Тилшуносликда, хусусан, компьютер лингвистикасида турли соҳага оид луғатларнинг электрон варианты, бир/кўп тилли терминларнинг электрон платформасини яратиш, мазкур луғатларнинг лингвистик база яратиш ечимини кутаётган муҳим масалалардан бири бўлиб турибди.

Мамлакатимизда истиқлол йилларида турли соҳаларга оид бир/кўп тилли луғатлар яратиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди, луғатларнинг электрон варианты, онлайн изоҳли ва таржима луғатлар ишлаб чиқилди, терминологик лексикография жадал ривожланди. Бинобарин, давлатимиз раҳбари айтганларидек, "...давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш; давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш"¹ бугунги кунда ўзбек лексикографияси ва терминографияси олдида турган долзарб вазифадир. Ўзбек тилининг замонавий ахборот технологиялари воситаларида ишлов берилишига эришиш, бунинг учун турли электрон маҳсулотлар: электрон луғат, электрон таржимон, электрон платформа, тил корпуси, тезаурус ҳамда уларнинг лингвистик таъминотини яратиш сингари масалаларни замонавий илмий тамойиллар асосида тадқиқ этиш ижтимоий эҳтиёжи ишнинг долзарблиги ҳамда муҳимлигини далиллайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон "Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 202 октябрдаги «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6084-сон фармони // <https://lex.uz/docs/5058351>

адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари; 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 989-сон “Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақидаги”, 2020 йил 29 январдаги 40-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.“Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида терминологик луғатлар яратишнинг назарий асослари чуқур ўрганилган. Жумладан, терминографиянинг тараққиёти, терминологик луғат тузиш тамойиллари, икки тилли электрон луғатларнинг лингвистик модули, икки тилли таълимий луғат-гlossарий яратиш методикаси, терминлар тизимини тавсифлашнинг лексикографик асослари каби масалалар П.М.Алиева, И.В.Медведева, А.С.Савчиц, И.С.Кудашев, А.В.Русакова, С.В.Гринев, В.Д.Табанакова, О.С.Пшеничникова²нинг монографик тадқиқотлари, Л.В.Попова, Ю.В.Смирнов³ларнинг мақолаларида ўз ечимини топган.

² Алиева П.М. Состояние лингвистической терминологии в современном русском языке (2001-2011 гг.): автореф. диссер. канд. филол. наук. – Ставрополь, 2011. – 19 с.; Медведева И.В. Принципы составления терминологического словаря, отражающего многоаспектную характеристику термина (на материале фонетических терминов): Автореф. диссер. канд. филол. наук. – Уфа, 2000. – 22 с.; Савчиц А.С. Методика составления учебного двуязычного словаря-гlossария лингводидактических терминов: Автореф. диссер. канд. педаг. наук. – Москва, 2015. – 27 с.; Кудашев И.С. Проектирование переводческих словарей специальной лексики. – Helsinki university print, Helsinki 2007. – 445 с.; Русакова А.В. Лингвистическая модель двуязычного электронного текстоориентированного словаря юридических терминов (на материале Конституции Российской Федерации, Конституции Французской Республики и Конвенции о защите Прав человека и основных свобод): Автореф. диссер. канд. филол. наук. – Тюмень 2008. – 27 с.; Гринев С.В. Основы лексикографического описания терминосистем: Автореф. диссер. докт. филол. наук. Москва, 1990. – 37 с. (Электронный материал: <http://cheloveknauka.com/osnovy-leksikograficheskogo-opisaniya-terminosistem>); Табанакова В.Д. Идеографическое описание научной терминологии в специальных словарях: автореф. диссер. докт. филол. наук. – Москва, 2001. (Электронный материал:

Маълумки, ҳар бир тилда ўзига хос терминосистема мавжуд. Талайгина масалалар ўз ечимини кутиб турган бўлса-да, ўзбек терминографиясини ривожланаётган соҳа сифатида эътироф этиш мумкин. XX асрнинг 60 йилларидан кейин ўзбек тилининг турли терминологик тизимларини тадқиқ қилиш оммалашди⁴. Ўзбек тилшунослигида М.Э.Умархўжаев, Н.Т.Хатамов, Е.Т.Ширинова, Н.Б.Кулдашова⁵ларнинг тадқиқотлари терминологик луғат яратишнинг назарий асослари ўрганилган ишлар сифатида эътирофга лойиқ. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати, алоқа линиялари ва узатиш тизимларига оид атамаларнинг русча-ўзбекча изоҳли луғати, анатомиядан қисқача лотинча-русча-ўзбекча луғат, физикадан русча-ўзбекча атамалар луғати, инглизча-ўзбекча-русча кимё терминлари луғати, инглизча-ўзбекча-русча солиқ ва иқтисодиёт атамалари луғати, иқтисодий атамаларнинг ўзбекча-инглизча-русча луғати, немисча-ўзбекча грамматик атамалар луғати, ўсимликшуносликка оид русча-ўзбекча изоҳли луғат, русча-ўзбекча психология терминларининг изоҳли луғати, русча-ўзбекча-лотинча фармацевтик терминлар луғати, ядро физикаси терминларининг русча-ўзбекча луғатлари⁶нинг яратилганини ўзбек терминологик лексикографияси-

<https://www.dissercat.com/content/ideograficheskoe-opisanie-nauchnoi-terminologii-v-spetsialnykh-slovaryakh/>;
Пшеничникова О.С. Разработка терминологического глоссария экономики энергетики (Выпускная квалификационная работа магистра). – Екатеринбург, 2019.

³ Попова Л.В. Словари лингвистических терминов: проблемы и перспективы // Вестник Челябинского государственного университета. – 2010. № 32 (213). Филология. Искусствоведение. Вып. 48. – С.111-114.; Смирнов Ю.В. Электронный терминологический словарь по СИБИБД // <https://elis.gpntb.ru/node/1059>

⁴ Джамалханов Х. Из истории формирования и развития узбекской ботанической терминологии: автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1966.; Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. – Тошкент, 1977.; Базарова Д.Х. История формирования и развитие зоологической терминологии узбекского языка. – Ташкент, 1978.; Касымов А.И. Фармацевтическая терминология в современном узбекском языке: автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1982. Мадвалиев А. Узбекская химическая терминология и вопросы ее нормализации: автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1986.; Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI–XIV вв. – Ташкент, 1991.; Мирахмедова З. Ҳозирги ўзбек тилининг анатомик терминологияси: филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 1994.; Абдуллаева Ч.С. Русско-узбекские параллели в современной экономической терминологии: дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 2000.; Йўлдошев И. Ўзбек китобатчилиги терминологияси: шаклланиши, тараққиёти ва тартибга солиш: филол. фан. док. дисс. – Тошкент, 2005.; Адиханов Д. Формирование экономической терминологии в современном арабском литературном языке: дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 2010.; Аҳмедов О.С. Солиқ ва божхона терминларини инглиз тилидан ўзбек тилига берилиши: филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2011.; Джурабаева З.А. Ўзбек тилида экологик терминлар: филол. фан. бўйича PhD дисс. автореф. – Тошкент, 2018.

⁵ Умарходжаев М.И. Основы фразеологии: диссертация ... доктора филологических наук: 10.02.19. - Андижан, 1980. – 340 с. Хатамов Н.Т. Развитие узбекской литературоведческой терминологии в советский период. Автореф. диссер. канд. филол. наук. – Ташкент, 1971. – 30 с.; Ширинова Е.Т. Ўзбек тили банк-молия терминологияси: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер. автореф. – Тошкент, 2020. – 58 б.; Кулдашова Н.Б. Француз ва ўзбек тилларида спорт терминологиясининг миллий-маданий хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер. автореф. – Бухоро, 2020 – 56 б.

⁶ Хатамов Н., Саримсаков Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Ташкент: Ўқитувчи, 1979. – 361 б.; Русско-узбекский толковый словарь терминов по линиям связи и системам передачи (Под редакцией Мухитдинова М). – Ташкент, 2008. – 256 с.; Ибодов Н. Анатомиядан қисқача лотинча-русча-ўзбекча луғат. – Тошкент: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1995. – 80 с.; Бекжонов Р.К. ва бошқ. Физикадан русча-ўзбекча атамалар луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – 296 б.; Shokiriva M., Nurullayev Sh. Inglizcha-o`zbekcha-ruscha kimyo terminlari lug`ati. – Toshkent: Tafakkur bo`stoni, 2013. – 336 b.; Saidov A., Yaxyoyeva D. Inglizcha-o`zbekcha-ruscha soliq va iqtisodiyot atamallari lug`ati. – Toshkent: Davlat soliq qo`mitasi soliq akademiyasi, 2013. – 75 b.; Иқтисодий атамаларнинг ўзбекча-инглизча-

нинг ютуқлари сифатида таъкидлаш жоиз. Ўзбек тилида тилшунослик терминларининг изоҳли луғатлари⁷ нашр этилган бўлса-да, шу пайтгача тилшунослик терминларининг кўп тилли луғатлари нашр этилмаган, уларнинг электрон вариантыни яратиш масаласи кун тартибига қўйилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Андижон давлат университетиде амалга оширилаётган “№ ИЛ-402104213. Ўзбек тилида электрон лингвистик энциклопедик луғат ишлаб чиқиш” мавзусидаги инновацион лойиҳа режасининг таркибий қисми сифатида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбекча-инглизча-русча лингвистик атамаларнинг электрон платформасини яратиш, унинг лингвистик базасини тузиш тамойилларини ҳамда дастурий асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

терминологик луғат ва глоссарийга умумий тавсиф бериш, кўп тилли терминологик луғат тузиш тамойилларини ишлаб чиқиш;

ўзбек лексикографиясида терминологик луғатчилик тажрибаси, тараққиёти ва бугунги ҳолатини тадқиқ этиш;

кўп тилли электрон луғатларни яратиш методикасини ишлаб чиқиш;

терминологик луғат мақоласининг структурасини тавсифлаш; атамаларни изоҳлашнинг лексикографик усул ва воситаларини аниқлаш;

ўзбекча-инглизча-русча лингвистик атамалар луғатида терминларни тавсифлашнинг лексикографик асосларини ишлаб чиқиш;

электрон платформа учун ўзбекча, инглизча ва русча лингвистик атамалар сўзлигини шакллантириш усулларини ўрганиш;

ўзбекча-инглизча-русча лингвистик атамалар электрон платформасининг интерфейси, тузилиши ва қидирув тизимини лойиҳалаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида лингвистик атамалар платформаси танланган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек-инглиз-русча лингвистик атамаларнинг электрон платформасини яратиш тамойиллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифлаш, қиёслаш, статистик таҳлил методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

русча луғати / Тузувчи: Эргашев Т. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 64 б.; Мирсоатов Т., Сатторов М. Немисча-ўзбекча грамматик атамалар луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 152 б.; Муҳаммадхонов С., Жонгуразов Ф. Ўсимликшуносликка оид русча-ўзбекча изоҳли луғат. – Тошкент: Меҳнат, 1989. – 320 б.; Турғунов Қ. Русча-ўзбекча психология терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – 196 б.; Қосимов А.И., Холматов Х.Х. Русча-ўзбекча-лотинча фармацевтик терминлар луғати. – Тошкент: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1990. – 128 с.; Абдуразаков А.А., Назиров Э.Н. Русско-узбекский словарь терминов по ядерной физике. – Ташкент: Главная редакция Узбекской Советской Энциклопедии, 1988. – 231 с.

⁷ Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 1995. – 165 б.; Mahkamov N., Ermatov I. Tilshunoslik terminlarining izohli lug'ati. Umumta'lim maktablari hamda akademik litsey va kasb-hunar kollejlari uchun. – Toshkent: Fan, 2013. – 144 b.

Ўзбек-инглиз-рус тиллари терминологик луғатларни қиёслашда терминларнинг актуаллиги ҳамда луғатнинг фойдалилигини таъминлаш учун уларни терминология доираси, луғатнинг макрокомпозицион параметрлари, терминологияни тақдим этиш ва тартибга солиш тамойиллари, иловаларнинг мавжудлиги, микрокомпозицион хусусиятлар каби параметрлар асосида баҳолаш зарурлиги далилланган;

терминологик луғат бирликлари - сўзлик, бош сўз, бирикма-атаманинг ўзбек-инглиз-рус тиллари лингвистик терминларининг электрон платформасидаги ўрни, луғатдаги бош сўзнинг туркумий белгилари аниқланиб, кўп тилли электрон луғат яратиш методикаси, атамаларни изоҳлашнинг лексикографик усул ва воситалари ишлаб чиқилган;

ўқув терминологик луғатини тузишда атамани терминологик минимумга киритиш мезонлари сифатида мутахассислик бўйича матнларда ушбу атаманинг ишлатилиш частотаси, даврий тизим учун унинг қиймати ҳамда тилнинг маълум контекстларида атаманинг долзарблиги белгиланиши лозимлиги асосланган;

ўзбекча-инглизча-русча лингвистик атамалар луғатида атамалар сўзлигини шакллантиришнинг мультимедиа ахборот-қидирувли усуллари компьютер лингвистикасини киритиш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбекча-инглизча-русча лингвистик атамалар электрон платформасининг интерфейси лойиҳаси ишлаб чиқилган;

ўзбекча-инглизча-русча лингвистик атамаларнинг параллел ва мустақил қидирув ойнасининг тузилиши аниқланган;

ўзбек тилида нашр эттирилган терминологик луғатларнинг қисман библиографик кўрсаткичи тузилган ва қиёсий таҳлил қилинган;

ўзбекча-инглизча-русча лингвистик атамалар электрон платформасининг қидирув тизимини шакллантирилган;

ўзбекча-инглизча-русча лингвистик атамалар электрон платформасининг фрагменти ишлаб чиқилган;

электрон луғат тузишда интерфейсда кўринадиган маълумотнинг луғат маълумотлар базасида қандай жойлашувини аниқлаш учун луғат мақоласининг таркибини системалаштириш ўзбек-инглиз-рус тили тилшунослик терминларининг электрон платформаси учун луғат мақоласининг тузилиши тавсифланган;

атамаларни изоҳлашнинг лексикографик усул ва воситалари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўрганилган материалларнинг ўзбек, инглиз ва рус тили табиатидан келиб чиққан ҳолда хулосалар қилишга ёрдам бериши, уларнинг асосли эканлиги, методологик мукамаллиги, ўзбекча-инглизча-русча лингвистик атамалар электрон платформасини яратишнинг назарий асосларини яратишда амалда исботланган манбаларга таяниши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тилида турли соҳаларга оид терминологик луғат ва электрон манбаларни яратишнинг назарий асосларини

ишлаб чиқишда, компьютер лингвистикаси йўналишида тадқиқотлар яратишда илмий-назарий манба сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти татбиқий тилшунослик йўналишларидан бири – компьютер лингвистикасининг ўқитилиш жараёнида дастур, режалар тузиш ҳамда мавзуларни баён этишда манба, ўзбек, рус ва инглиз тили таълимида услубий восита вазифасини ўташи билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорийланиши. Ўзбекча-инглизча-русча лингвистик атамаларининг электрон платформасини яратишнинг лингвистик асосларини тадқиқ этиш бўйича олинган натижалар асосида:

ўзбек-инглиз-рус тиллари терминологик луғатларни қиёслашда терминларнинг актуаллиги ҳамда луғатнинг фойдалилигини таъминлаш учун уларни терминология доираси, луғатнинг макрокомпозицион параметрлари, терминологияни тақдим этиш ва тартибга солиш тамойиллари, иловаларнинг мавжудлиги, микрокомпозицион хусусиятлар каби параметрлар асосида баҳолаш зарурлигига оид илмий хулосалардан Самарқанд давлат чет тиллар институтида Европа Иттифоқининг Эразмус+ дастури 585845-EPP-1-2017-1-ES-EPPKA2-CBHE-JP CLASS: “Computational Linguistics at Central Asian universities” мавзусидаги илмий лойиҳада белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2022 йил 26 апрелдаги 1048/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада миллий корпусни яратиш ва табиий тилга ишлов берувчи дастур (NLP tool)im ишлаб чиқишда фонетик, морфологик, лексик, синтактик воситаларнинг алломорф ва изоморф хусусиятларини маълумотлар базасига киритиш имконияти яратилган;

аниқланган терминологик луғат бирликлари: сўзлик, бош сўз, бирикма-атаманинг ўзбек-инглиз-рус тиллари лингвистик терминларининг электрон платформасидаги ўрни, луғатдаги бош сўзнинг туркумий белгилари, ишлаб чиқилган кўп тилли электрон луғат яратиш методикаси ҳамда тавсифланган терминологик луғат мақоласининг структураси; атамаларни изоҳлашнинг лексикографик усул ва воситаларидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бадиий таржима кенгаши ҳисобот йиғилишларида, тўғарақлар фаолиятларида, маҳорат дарсларида ёш ижодкорлар билан учрашувларда фойдаланилган (Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг 2022 йил 25 февралдаги 01-03/325-сон маълумотномаси). Натижада атамалар луғатида тавсифлашнинг лексикографик асосларини адабиёт терминлари изоҳли луғатларини яратиш учун қўллаш имконияти яратилган;

ўқув терминологик луғатини тузишда атамани терминологик минимумга киритиш мезонлари сифатида мутахассислик бўйича матнларда ушбу атаманинг ишлатилиш частотаси, даврий тизим учун унинг қиймати ҳамда тилнинг маълум контекстларида атаманинг долзарблиги белгиланиши лозимлиги хусусидаги илмий хулосалардан Европа Иттифоқининг Erasmus+ дастури 574253-EPP-1-2016-DEPPKA2-CBHE-JP рақамли CLASS: “Computational Linguistics at Central Asian universities” халқаро грант лойиҳасида фойдаланилган (Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг 2022 йил 1 мартдаги 01-21-05/235-сон маълумотномаси). Натижада когнитив тилшунослик, психолингвистика, социолингвистика,

прагмалингвистикага оид терминларни тўғри интерпретация қилиш имконияти яратилган.

Ўзбекча-инглизча-русча лингвистик атамалар луғатида атамалар сўзлигини шакллантиришнинг мультимедиа ахборот-қидирувли усулларига доир илмий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Ўзбекистон" телерадиоканали ДМ "Маданий-маърифий ва бадий эшиттиришлар" муҳарририяти томонидан тайёрланган "Таълим ва тараққиёт", "Адабий жараён" номли радиоэшиттиришларини тайёрлашда (2021-2022 йй.) материал сифатида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Ўзбекистон" телерадиоканалининг 2022 йил 14 мартдаги 04-36-589-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек луғатчилиги тарихи, ва замонавий ҳолати хусусидаги маълумотлар берилиб, радиоэшиттиришлар сценарийси мазмунан бойитилган.

Тадқиқот натижаларнинг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида эълон қилинган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий иш нашр этирилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, улардан 3 таси хорижий журналларда чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, умумий ҳажми 163 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Ишнинг биринчи бобида **“Терминологик луғатларнинг умумий тавсифи”** берилган бўлиб, у қуйидаги қисмлардан иборат: “Терминологик луғат ва глоссарийларнинг умумий характеристикаси”, “Кўп тилли терминологик луғат тузишнинг назарий асослари”, “Ўзбек лексикографиясида терминологик луғатчилик тажрибаси”.

Терминологик луғат – лингвистик луғатнинг бир тури. Бундай луғатда ихтисослаштирилган касб, билим соҳаси, фаннинг атама ва тушунчалари мавжуд бўлади. Терминологик луғатнинг ўзига хос тузилиши ва тизимлаштирилганлиги керакли атамани излашни соддалаштиради. Бу типдаги луғатларнинг энг кенг тарқалгани бир соҳадаги атамаларни изоҳлашга мўлжалланган бир тармоқли терминологик луғатдир.

Атама – аниқ, конкрет шаклга эга бўлган, табиатида ноаниқлик ва мавҳумлик бўлмайдиган тил бирлиги. Терминологик луғатлар стандартлаштирилган, унификацияланган, шунингдек, янги ва энди тавсия этилаётган атамаларни ўз ичига олиши мумкин. Агар атама стандартлаштирилган бўлса, унда, асосан, қайси меъёрий хужжатлар доирасида ишлатилиши ҳамда стандарт майдони кўрсатилади. Шу билан бирга, луғат мақоласининг асосий қисми атама, (агар мавжуд бўлса) унинг қисқартирилган варианты, хорижий тилдаги эквиваленти каби маълумотлар берилди. Зарур бўлганда, атаманинг изоҳлари диаграмма, чизма (схема), расм, жадвал, график ва бошқалар билан тўлдирилади⁸.

Терминологик луғатларнинг таснифи улар қўлланиладиган фаолият доирасидан ташқари кенг ва турли параметрларга боғлиқ. Бундай турдаги луғатлар бир ёки бир неча тилли бўлиши мумкин. Бундан ташқари, атамалар луғатда жойлашиш тамойилларида сезиларли даражада фарқ бўлиши мумкин. Масалан:

- 1) алфавит тартибида;
- 2) мавзувий гуруҳ асосида;
- 3) атаманинг ишлатилиш частотасига боғлиқ ҳолда.

Тор ихтисосликка мўлжалланган атаманинг маъноси излаётганда соҳа мутахассиси берган таърифга амал қилиш етарли эмас. Бунинг сабаби шундаки, битта мутахассис атамани ўзига хос тарзда тушунтириши ёки ҳатто нотўғри талқин қилиши мумкин. Бу таржимага ва унинг фойдаланувчи томонидан қабул қилинишига таъсир кўрсатади. Луғатни яратишда биринчи қадам атамалар частотасини аниқлашдир. Шартларни ехселда ёзиш энг қулай йўл, чунки шунда луғат Trados дастурига тез ва осон ўтказилиши мумкин. Бу дастур иккинчиси матнда барча такрорланадиган атамаларни автоматик равишда таржима қилади.

Ўзбек тилшунослигида терминологияга оид қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Шунингдек, лингвистик терминлар ва улар билан боғлиқ қатор саволлар бир неча тадқиқотлар предмети бўлган.

А.Ҳожиёвнинг куйидаги фикри ҳали ҳам долзарб бўлиб қолмоқда: “Илм-фаннинг барча соҳалари бўйича давр талабларига жавоб берадиган терминологик тизимларни яратиш ҳозирги куннинг долзарб масалалардан ҳисобланади. Шу билан бирга, буларни амалга ошириш ниҳоятда мураккаб, катта куч талаб қиладиган иш эканлиги ҳам шубҳасиз. Умуман, терминологияга оид барча ишларнинг муваффақиятли ҳал этилишида ҳар бир соҳага оид терминларни тўла қамраб олган терминологик луғатларни, айниқса, изоҳли терминологик луғатларни тузиш ва нашр этиш муҳим аҳамият касб этади. Бундай луғатларда ҳар бир терминнинг ўзи атаётган тушунчанинг, нарса-ҳодисанинг моҳиятини қай даражада тўғри, тўла ва аниқ ифодалашини белгилаш муҳим”⁹.

⁸ Баракова О.В. Изучение русских терминосистем: теоретические предпосылки. URL: <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=16330743&ysclid=l4zh2pftj2543245321>

⁹ Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 1985. – 158 б. – Б. 6.

Ишда жами 34 та луғатни таҳлилга тортилди, хусусиятлари ўрганилди.

Терминологик луғатларни тайёрлашнинг асосий босқичлари В.М.Лейчик томонидан аниқ ва лўнда тасвирланган:

- 1) адабиётларни ўрганиш;
- 2) атамаларни танлаш ва уларни таҳрир қилиш;
- 3) танлаб олинган терминлар картотекасини тузиш;
- 4) тушунчаларнинг концептуал схемасини тузиш;
- 5) алифбо картотекасини тузиш;
- 6) эквивалентларни танлаш¹⁰.

Атамани батафсил семантик изоҳлаш – асосий масала, шунингдек, тил бирликлари жуфтлиги, яъни таржима эквивалентларининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш, луғат мақоласи матнидаги изоҳларни тез-тез янгилашнинг оптимал усулларини белгилаб олиш муҳим. Бунда эътибор қилиниши лозим бўлган жиҳат шуки, атамалар луғатида этимологик таъриф, энциклопедик маълумот каби ортикча (кераксиз) материал киритилмаслиги керак. Атамалар луғатида этимологик таъриф, энциклопедик маълумот каби ортикча (кераксиз) материалнинг йўқлиги икки тилли луғатнинг афзалликлари сифатида қаралади.

Кўринадики, кўп тилли терминологик луғат бир тилли терминологик луғатдан тузилиши, луғат мақоласининг таркиби ҳамда изоҳ ва иллюстратив мисоллар характери билан фарқланади. Бундан ташқари, бир тилли терминологик луғатлар ҳамда кўп тилли терминологик луғатларнинг муштарак томони бу луғат сўзлиги(изоҳланувчи бирлик/атамалар)нинг фақат терминдан иборат эканлигидир.

Ишнинг иккинчи боби **“Кўп тилли терминлар луғатини тузишнинг назарий асослари”** деб номланган ва қуйидаги қисмларга ажратилган: **“Кўп тилли электрон луғатларни яратишнинг лингвистик тамойиллари ва методикаси”**, **“Терминологик луғатнинг макро ва микроструктураси”**, **“Атамаларни изоҳлашнинг лексикографик усул ва воситалари”**.

Тадқиқотимиз доирасида 9 та лингвистик терминлар луғати таҳлилга тортилди: бу бизга изоҳ ва таржима, луғат мақоласини шакллантириш, лингвистик атамаларнинг кўп тилли луғатини яратишда луғат сўзлигини аниқлаш, танлаш мезонларини ишлаб чиқишга ёрдам берди. Шунингдек, кузатилган ва ўрганилган луғатларнинг тузилиши, луғат мақоласидаги изоҳлардаги камчиликларни ўрганишга ва улардан чекинишга ёрдам берди.

Шу пайтгача нашр этилган луғатлардаги атамалар электрон луғат базасига киритилади, аммо кўп тилли электрон луғатларнинг базасини шакллантиришда фақат анъанавий қоғоз луғатлардан фойдаланиш кутилган натижани бермайди, чунки у луғатлардаги сўзлик бугунги терминологияни қамраб ололмайди, шу сабабли кўп тилли луғатларни шакллантиришда онлайн режимда ишлайдиган луғатларга ҳам мурожаат қилиш керак бўлади.

Ўзбек тилида биринчи марта нашр этилган тилшунослик атамалари луғатининг муаллифи бу луғатга бўлган эҳтиёжни қуйидагича изоҳлайди: “... ”

¹⁰ Лейчик В.М. Лексикографическая терминологическая деятельность // Терминология библиотечного дела. – Москва, 1975. – С. 12.

хар бир соҳага оид терминларни иложи борича тўла қамраб оладиган, ҳодисанинг моҳиятини тўғри, тўла ва аниқ акс эттирадиган терминларни белгилайдиган изоҳли терминологик луғатларни яратиш шу соҳалар мутахассисларининг энг биринчи галдаги вазифаларидан. Худди шу мақсадда биринчи марта ўзбек тили лингвистик терминларининг изоҳли луғати тузилиб, “Ўқитувчи” нашриёти томонидан 1985 йилда чоп этилди”¹¹. Ушбу луғатнинг қайта нашри ҳақида муаллиф шундай дейди: “Лекин қатор сабаб ва талаблар шу луғатни қайта ишлаб нашр этишни кун тартибига қўйди. Уларнинг энг асосийси – ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилишидир”¹².

Муаллифнинг ўзи таъкидлаганидек, луғат тилшуносликка оид барча атамаларни қамраб олмаган. Луғатга энг кўп қўлланадиган атамалар киритилган. Тадқиқ объектими саналган кўп тилли тилшунослик терминлари электрон платформасининг ўзбек тили сўзлигини шакллантиришда, биринчи навбатда, мана шу луғатнинг сўзлигига таяниш мақсадга мувофиқ.

Ўзбек-инглиз-рус тилшунослик терминлари электрон платформаси базаси таржима-терминологик луғат бўлганлиги сабабли луғат сўзлигига асос бўлувчи тилни аниқлаб олишни талаб қилади. Табиийки, ушбу платформанинг сўзлиги ўзбек тилидаги тилшунослик атамалари таркибидан шакллантирилади. Чунки ушбу луғатнинг асосий фойдаланувчилари ўзбек тили вакиллари бўлишади. Компьютер лексикографиясининг анъанавий лексикографиядан фарқли ва устун томони шундаки, анъанавий луғатда атамалар луғатга қандай жойлаштирилса, ўқувчининг луғатдан фақат бир томонлама (масалан, ўзбекча-инглизча), агар икки томонлама тартиб бўлса, (масалан, ўзбекча-инглизча ёки инглизча-ўзбекча) икки томонлама қидириш имкони бўлади. Аммо кўп тилли луғатларнинг аксарияти бир томонлама қидирув имконини беради, холос: аслият тилдан таржима тилга йўналишида қидириш мумкин. Электрон луғат, платформада бу турдаги функцияларнинг устунлик томонлари талайгина. Масалан, лойиҳалаштирилаётган ўзбек-инглиз-рус тили лингвистик атамаларнинг электрон платформасида гарчи луғат сўзлиги ўзбек тилидаги тилшунослик атамалари асосида шакллантирилган бўлса-да, қидирувни қуйидаги кенг спектрда амалга ошириш мумкин бўлади: ўзбек-инглиз; ўзбек-рус; ўзбек-инглиз-рус; рус-ўзбек; инглиз-ўзбек; рус-инглиз-ўзбек.

Биз ўз тадқиқотимизда қуйидаги уч асосий мақсадга эътибор қаратамиз:

1) кўп тилли (таржима) терминологик луғатларни тузиш учун зарур бўлган терминларни инвентаризация қилиш, аниқлаш ва тўлдириш;

2) терминологик ва таржима луғатнинг хусусиятларини тавсифлаш; уни шакллантиришга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, таснифлаш ва таърифлаш;

¹¹ Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1985.

¹² Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – 158 б.

3) махсус лексика учун таржима луғати тузиш бўйича умумий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Мутахассислар луғат параметрлари, уни яратиш жараёнига таъсир этувчи омилларни лексикографик ва ташқи омилларга бўлишни таклиф қилишади. Биринчи гуруҳ омиллари фойдаланувчининг эҳтиёжи билан белгиланса, иккинчиси луғат сўзлиги билан юзага чиқувчи имкониятларни акс эттиради. Луғат фойдаланувчининг эҳтиёжини тўла қондириши учун унинг дизайни, структураси лексикографик омиллардан келиб чиқиб, яратилиши керак. Терминологик луғат тузишда фойдаланувчининг танланган фан соҳасидаги билим даражаси, уларнинг умумий тил тайёргарлиги, махсус мақсадлар учун тилни билиши, лексикографик компетентлиги ҳисобга олинishi керак.

Компьютер технологияларининг ривожланиши билан келажакда луғат бирликлари аудио/видео материал бўладиган луғатлар пайдо бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас. Шундай қилиб, замонавий луғатларнинг чап томонида ҳар хил турдаги бирликлар бўлиши мумкин. Бироқ терминологик луғатнинг чап қисмида ифодаланиши мумкин бўлган бирликларнинг табиати, шунингдек, уларнинг таркиби бўйича маълум чекловлар мавжуд.

Лексикографик параметрларнинг энг тўлиқ рўйхати биринчи марта Ю.Н.Карауловнинг “Замонавий лексикографик амалиётда бир тенденция тўғрисида”ги мақоласида келтирилган¹³.

Электрон луғат тузишда интерфейсида кўринадиган маълумотнинг луғат маълумотлар базасида қандай жойлашувини аниқлаш учун луғат мақоласининг таркибини системалаштириш муҳим. Ишнинг кейинги бобида ўзбек-инглиз-рус тили тилшунослик терминларининг электрон платформи учун луғат мақоласининг тузилиши махсус тавсифланади.

Луғат параметрлари ва уни ишлаб чиқиш жараёнига таъсир этувчи омилларни лексикографик ва ташқи омилларга бўлиш мумкин. *Соф лексикографик омиллар*, одатда, луғатнинг лексикографик талқинидан келиб чиқади. Луғат ахборот маҳсулоти сифатида фойдаланувчининг ахборот эҳтиёжини қондиришга мўлжалланган. Маълумотга бўлган эҳтиёж, бирор бир тил материалига мурожаат қилишда маълум бир фаолият (масалан, таржима) пайтида пайдо бўлади, зеро, луғат лингвистик белгилар билан ишлашни осонлаштиришга мўлжалланади. Ахборот эҳтиёжидан ташқари, фойдаланувчи маълумот қидириш ва идрок этиш хусусиятлари билан ҳам алоқадор. Бу эҳтиёжлар қисман луғат сўзлигининг мазмуни, тузилиши, шунингдек, воситанинг турини аниқлайди. Агар луғат фойдаланувчилари аудиторияси аниқланмаса, белгилаб олинмаса, луғат муаллиф(лар)и фойдаланувчи ва унинг ҳақиқий эҳтиёжини инобатга олмайди.

Кўп тилли таржима терминологияси билан ишлашда таржиманинг муносиб эквивалентларини излаш, уларни стандартлаштириш ва бирлаштириш муҳим рол ўйнайди.

¹³ Караулов Ю.Н. Лингвистическое конструирование и тезаурус литературного языка. – М., 1981. – С. 152-153.

Кўп тилли терминология билан ишлашда таржима терминлар луғатлари билан бир қаторда, терминологик маълумотлар базалари муҳим лексикографик манба ҳисобланади. Терминологик маълумотлар базалари (termbases, ТБД) асосий атамалар ва уларнинг қуйидаги метамաълумотларини ахборот сифатида қамраб олади¹⁴:

- 1) атаманинг маъноси;
- 2) атаманинг бошқа тилларга таржима қилинган эквиваленти;
- 3) атаманинг синонимлари (уларнинг моҳиятини кўрсатувчи – қабул қилинадиган ёки қабул қилинмайдиган)¹⁵;
- 4) атаманинг қўлланиш доираси ҳақида маълумот;
- 5) ушбу атамани тасдиқлаган ҳужжат ҳақидаги маълумотлар (миллий, халқаро стандарт ва бошқалар).

Илмий-техник адабиётларни таржима қилишда очиқ кириш имкони мавжуд бўлган кўп тилли терминологик маълумотлар базалари катта аҳамиятга эга. Аммо улар орасида биз тадқиқ этаётган лингвистик терминлар базасини учратмадик.

Кўп тилли терминологик электрон платформани шакллантиришда сўзликни шакллантириш тамойилларини ишлаб чиқиш муҳим. Ишда бу тамойилларни ишлаб чиқиш ва атамалар рўйхатини шакллантириш мезонларини белгилашда фойдаланилган назарий материаллар ҳақида бафуржа тўхталинган.

Ўзбек-инглиз-рус тилшунослик терминларининг электрон платформасининг интерфейсини лойиҳалашда шу каби умумқабул қилинган дизайн ва тузилиш билан бирга ўзбек миллий график дизайни ютуқларидан ҳам фойдаланилади. Шунини айтиш лозимки, жаҳон компьютер лексикографиясида электрон луғатларнинг интерфейси (бошқа электрон маҳсулотлардан фарқли равишда) содда ва ортиқча безакларсиз ишланади.

Шунини таъкидлаш жоизки, жаҳон лексикографияси кўп тилли электрон терминологик ва таржима луғатлари тажрибасидан ўзбек-инглиз-рус тили тилшунослик терминлари электрон платформасининг интерфейси, дизайни, тузилиши, микро/макро структураси, қидирув тизимини шакллантиришда фойдаланиш муваффақиятли натижа беради.

Ишнинг учинчи боби **“Ўзбекча-инглизча-русча лингвистик атамалар электрон платформасини лойиҳалаш масалалари”**га бағишланган ва қуйидаги қисмлардан иборат: **“Ўзбекча-инглизча-русча лингвистик атамаларнинг электрон луғатида терминларни тавсифлашнинг лексикографик асослари: сўзлик ва эквивалент муаммоси”**, **“Электрон платформа учун ўзбекча, инглизча ва русча лингвистик атамалар изоҳини шакллантириш муаммолари хусусида”**, **“Ўзбекча-инглизча-русча лингвистик атамаларнинг электрон платформасининг интерфейси, тузилиши ва қидирув тизими хусусида”**.

¹⁴ Пивоварова С.С. Методика извлечения кандидатов для многоязычного (англо-франко-русского) терминологического словаря (Выпускная квалификационная работа по направлению подготовки 035700 «Лингвистика») // <https://core.ac.uk/download/pdf/217171806.pdf>. – С. 18.

¹⁵ <https://education-club.ru/work/6863556/izucenie-russkih-terminosistem-teoreticeskie-predposylki>

Кўп тилли электрон луғат сўзлигини шакллантириш учун анъанавий таянч луғатлар, яъни ахборот банки танланиши зарур. Лойиҳаланаётган электрон луғатнинг ўзбек тилидаги сўзлиги А.Ҳожиев муаллифлигида нашр этилган “Лингвистик терминлар луғати”¹⁶ асосида шакллантирилиши мақсадга мувофиқ. Рус тилидаги сўзлик, яъни ўзбек тилидаги атамаларнинг рус тилидаги эквиваленти О.С.Ахманованинг тилшунослик терминлари луғати¹⁷ асосида тузилиши мумкин. О.С.Ахманованинг тилшунослик терминлари луғатини аниқ, тўлиқ талқинли изоҳга эга лингвистик атамаларнинг намунали луғати дейиш мумкин. Унда тилшуносликнинг барча соҳалари – фонетика, фонология, сўз ясалиши, морфемика, морфология, синтаксис, услубиятга оид 7 мингга яқин атамалар берилган. Луғат мақоласида бош сўз (тавсифланаётган бирлик)нинг инглиз тилига, зарур ҳолларда француз, немис ва испан тилларига таржимаси мавжуд. Луғат мақоласида атаманинг таъриф(лар)и, улардан фойдаланишнинг одатий контекстлари ва иллюстратив мисоллар мавжуд. Луғат охирида атамаларнинг инглиз тилига таржимаси индекси берилган. Лойиҳаланаётган электрон луғатнинг инглиз тилидаги сўзлиги(ўзбек тилидаги атаманинг инглиз тилидаги эквиваленти)ни шу кўрсаткичдан фойдаланган ҳолда шакллантириш мумкин. Шундай қилиб, электрон база маълумотларининг манбалари шакллантирилиши, зарур ҳолларда бу манбалар рўйхати¹⁸ давом эттирилиши мумкин. Замонавий лингвистик адабиётларда учрайдиган тилшунослик ва семиотиканинг асосий терминологияси “Тилшунослик ва семиотика инглизча-русча луғати”¹⁹да (1996-2001) акс этирилган. Бу манбанинг луғат мақоласида грамматик маълумот, рус тилига таржима эквиваленти, шарҳ ва иллюстратив мисоллар билан бир қаторда, атама муаллифи, атама доираси ҳақида маълумот, шунингдек, (квази)синоним, (кваз)антоним, гипоним ва/ёки гиперонимларга ҳавола мавжуд. Демак, луғат муайян терминологик соҳада атамаларнинг тизимли муносабатини ўрнатиш имконини беради. Русча-инглизча ва инглизча тематик кўрсаткичнинг мавжудлиги инглизча атаманинг русча эквиваленти бўйича, шунингдек, уларнинг таркибий қисмлари бўйича мураккаб атамаларни топишга ёрдам беради. Шу хусусияти билан бу манбадан ҳам рус тилидаги асосий бирликлар, уларнинг изоҳини тўлдиришда фойдаланиш мумкин.

В.Дубичинский лингводидактик нуқтаи назардан таржима луғатларининг икки турини ажратиб кўрсатади: луғат бир тил бирлигини

¹⁶ Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – 158 б.

¹⁷ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов / О.С.Ахманова. – 2-е изд., стер. – М.: УРСС: Эдиториал УРСС, 2004. – 571 с.

¹⁸ Васильева Н.В., Виноградов В.А., Шахнарович А.М. Краткий словарь лингвистических терминов. – М., 1995.; Дурново Н.Н. Грамматический словарь. – М., 1924; 2-е изд. / под ред. О.В.Никитина. – М., 2001.; Жирков Л.И. Лингвистический словарь. – 2-е изд., доп. – М., 1946.; Исаев М.И. Словарь этнолингвистических понятий и терминов. – М., 2001.; Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов. – 3-е изд., испр. и доп. – М., 1985.

¹⁹ Англо-русский словарь по лингвистике и семиотике / [А.Н.Баранов, Д.О.Добровольский, М.Н.Михайлов, П.Б.Паршин, О.И.Романова]; под ред. А.Н.Баранова и Д.О.Добровольского. Изд-е 2-е, испр. и доп. – М.: Азбуковник, 2003. – 642 с.

бошқа тиллар ёрдамида тавсифлаш учун яратилган бўлса, монофункционал; агар тадқиқ объекти барча тилларнинг бирликлари бўлса, икки, уч ва кўп функцияли бўлади²⁰. Масалан, ўзбекча-инглизча луғат ўзбек тилида сўзлашувчилар учун инглиз тилини ўрганишга йўналтириб тузилиши мумкин: таржима эквиваленти, помета, изоҳ, тавсифлар шу мақсадга қаратилади. Луғат инглиз ўқувчисига мўлжалланса, луғат сўзлиги (сарлавҳа бирлиги) инглиз тилида тайёрланади. Бундай луғат монофункционал. Икки/кўп функцияли луғатда инглиз тили бирликларининг ўзбек тилига ва тескари таржимани, икки тилда тавсиф ва шарҳ, инглизча-ўзбекча ва ўзбекча-инглизча алифбо индексларини топиш мумкин.

Масалага шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, юқоридаги талабнинг анъанавий луғатларга қўйилганлигига ҳам алоҳида эътибор бериш зарур. Луғат сўзлигининг тили нуқтаи назаридан электрон луғатнинг имконияти кенгроқ. Электрон луғатда нечта тил мавжуд бўлса, унинг шунча тилдаги сўзлигини шакллантириш имкони мавжуд: луғатнинг электрон базасига маълум чегара қўйилмаган. Ўзбекча-инглизча-русча атамалар электрон луғатини тузишда луғат сўзлиги(лингвистик атамалар рўйхати)ни ўзбек тили бирликларига таянган ҳолда шакллантириш мақсадга мувофиқ. Демак, дастлаб ўзбек тилида лингвистик терминлар рўйхати шакллантирилади. Кейинги босқичда шу сўзликка эквивалент ҳолда инглиз ва рус тилидаги эквивалентлар (инглиз ва рус тилидаги сўзлик) шакллантирилади. Бу ҳолат лингвистик маълумотлар базасида қуйидаги кўринишда бўлади:

Терминологик луғат сўзлиги	ўзбекча атама ва унинг изоҳи	инглизча атама ва унинг изоҳи	русча атама ва унинг изоҳи
АББРЕВИАТУРА	АББРЕВИАТУРА	ABBREVIATION	АББРЕВИАТУРА
АБЗАЦ	АБЗАЦ	PARAGRAPH	АБЗАЦ
АГГЛЮТИНАЦИЯ	АГГЛЮТИНАЦИЯ	AGGLUTINATION	АГГЛЮТИНАЦИЯ
ОМОНИМ	ОМОНИМ	HOMONYM	ОМОНИМ
АСОС	АСОС	STEM OF A WORD	ОСНОВА СЛОВА
АССОНАНС	АССОНАНС	ASSONANCE	АССОНАНС
АРТИКУЛЯЦИЯ	АРТИКУЛЯЦИЯ	ARTICULATION	АРТИКУЛЯЦИЯ

Бошқа томондан қараганда, таржима бирлигини беришда таржима қилинмайдиган бирлик(лакуна)ни аниқлаш талаби ҳам кун тартибига чиқади. Шундагина ўзга халқ ва маданиятни тўла ўрганиш/билиш имкони туғилади. Бу эса тил бирликларининг миллий-маданий ўзига хослиги, таржиманинг маданиятлараро мулоқотдаги аҳамияти катта эканлигини кўрсатади. Бунда таржимон бизга нафақат тиллар ва контекст, балки маданиятлар ўртасида ҳам воситачи бўлади. Кўп тилли луғатнинг асосий мақсади маданиятлар, тиллараро мулоқотни ривожлантиришга қаратилган бўлса-да, бу масала, асосан, лексемалар таржимасига таллуқли; терминографияда эса умумлисонийлик, умуммаданийлик тамойиллари етакчилик қилади. Тўғри,

²⁰ <http://www.rusarticles.com/inostrannye-yazyki-statya/tekhnika-perevoda-240672.html>

фақат маълум тилшуносликка хос бўлган атамалар ҳам учрайди, аммо улар жуда камчиликни ташкил этади. Лингвистик терминларда умумий тилшуносликка оидлик хусусияти етакчилик қилади. Лингвокультуремалар, асосан, умумистеъмол сўзлар орасида учрайди, чегараланган лексикада уларнинг миқдори ниҳоятда кам. Бу ҳолат ўзбек, инглиз, рус тилида лингвистик атамалар сўзлигини шакллантиришга кенгроқ имконият туғдиради.

Мантик ва фалсафада маълум бўлган эквивалент муносабатларнинг уч варианты – тўлиқ, қисман ва ноль эквивалентликдан келиб чиқадиган бўлсак, лингвистик нуқтаи назардан, солиштириладиган тиллардаги бирликлар эквивалентлигининг уч тури²¹ ажратилганлигига гувоҳ бўламиз:

- а) тўлиқ эквивалентлик;
- б) қисман эквивалентлик;
- в) нотўғри эквивалентлик (эквивалентсизлик).

Агар қиёсланаётган тиллар лексемалари шакли билан семантик жиҳатдан тўлиқ мос тушса, бундай лексик параллеллар **тўлиқ эквивалент** деб аталади. Эквивалентликнинг ушбу кўриниши атамаларга ҳам тегишли. Буни лингвистик маълумотлар базасидаги қуйидаги атамалар мисолида кузатиш мумкин.

1-жадвал

Терминологик лугат сўзлиги	ўзбекча атама ва унинг изоҳи	инглизча атама ва унинг изоҳи	русча атама ва унинг изоҳи
АББРЕВИАТУРА	АББРЕВИАТУРА	ABBREVIATION	АББРЕВИАТУРА
	(итал. – қисқартаман) – қ. Қисқартма сўзлар.	a shortened form of a written word or phrase used in place of the whole word or phrase	сложносокращенное слово, составленное из начальных элементов: универмаг, вуз, ООН ²² .
АБЗАЦ	АБЗАЦ	PARAGRAPH	АБЗАЦ
	(нем. – сурмоқ, нари сурмоқ). 1. айн. Хат боши.	a part of a piece of writing that usually deals with one subject, that begins on a new line, and that is made up of one or more sentences	1) Отступ вправо в начале первой строки какой-л. части печатного или рукописного текста; красная строка. 2) Часть текста между двумя такими отступами, характеризующаяся единством и относительной законченностью содержания ²³ .

²¹ Дубичинский В.В. Лексикография русского языка. учеб. пособие / Дубичинский В.В. – М.: Наука: Флинта, 2008. – 432 с. – С. 101.

²² <http://idum.uz/ru/archives/9952>

²³ <https://classes.ru/grammar/174.Akhmanova/source/worddocuments/a.htm>

ОМОНИМ	ОМОНИМ	HOMONYM	ОМОНИМ
	Талаффузи ва ёзилиши бир хил бирдан ортик сўзлар: боғ (турли мева, гул ва б. дан иборат майдон) – боғ (боғлайдиган нарса); от (исм) – от (иш хайвони) каби.	A word that sounds the same or is spelled the same as another word but has a different meaning: "No" and "know" are homonyms."Bow" (= bend at the waist) and "bow" (= weapon) are also homonyms ²⁴ .	Звуковые совпадение различных по значению единиц: ключ «родник» и ключ «инструмент», брак «изъян» и брак «женитьба» ²⁵ .
АСОС	АСОС	STEM OF A WORD	ОСНОВА СЛОВА
	қ. Сўз ясадиш асоси.	the part of a word that is left after you take off the ending: From the stem "sav-" you get "saves", "saved", "saving", and "saver".	часть словоформы, которая остается, если отнять от нее окончание и формообразующий аффикс, и с которой связывается лексическое значение этого слова: коров-а, молоко-о ²⁶ .

Ўзбек тилидаги атамада битта маъно келтирилган. Инглиз тилидаги атамалар базаси Вебстер онлайн луғати асосида шакллантирилганлиги сабабли, бу сўзга бир изоҳ келтирилган: изоҳ ушбу сўзнинг лингвистик атама эканлигини эътироф этди, лингвистик базага шу изоҳ киритилди. Масалан:

Paragraph²⁷ *noun*: a part of a piece of writing that usually deals with one subject, that begins on a new line, and that is made up of one or more sentences.

Рус тилидаги изоҳ эса икки қисмдан иборат. Изоҳ таҳлили шуни кўрсатдики, берилган семантик тавсифнинг иккаласи ҳам ушбу бирликни атама сифатида таърифлайди. Шу сабабли ушбу эквивалентлар қаторини **тўлиқ эквивалент** деб аташ оламыз.

